

Мосул шаҳридаги «Ан-Нурий» масжидини қайта тиклаш учун танлов бошланди



09:30 / 19.11.2020 2063

ЮНЕСКО Ироқнинг Мосул шаҳридаги «Ан-Нурий» масжидини қайта тиклаш учун танлов эълон қилди. Бу ҳақда islam.ru сайти хабар берди.

Мажмуани тиклаш учун иқтидорли қурувчилар жалб этилади. Лойиҳани молиялаштиришни Бирлашган Араб Амирликлари ўз зиммасига олган. Бу лойиҳа мосулликлар учун янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Спутник берган маълумотга кўра, танловда иштирок этишни истаганлар намозхона иншоотларини қадимийлигини сақлаб қолиш ва баъзи тарихий биноларни қайта тиклаш ҳамда уларни янги лойиҳаларга, жумладан ландшафт дизайн концепциясини тақдим этишлари керак, деб қайд этади ЮНЕСКО.

Танлов 2020 йил 16 ноябрдан бошланиб, 2021 йилнинг 26 мартига қадар давом этади.

Islom.uz сайти